

ХИТОЙ ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАГОР ПОЭТИКАСИНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393931>

Очилов Озоджон Мардиевич

PhD доцент ТДШУ Тошкент шаҳри Ўзбекистон

Тел: 998903492268, э-манзил: ozodochilov85@gmail.com

АННОТАЦИЯ

1913-йилдан бошлаб Р.Тагор ижоди босқичма-босқич Хитойга кириб кела бошлади. 1923 йилгача бўлган қисқа ўн йил вақт ичида Тагор ва унинг асарлари нафақат кўпчиликка маълум бўлиш даражасига етди, балки кўплаб хитой адабиётшунос олимларининг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Калим сўзлар: Тагор; шеърят; маданиятлараро мулоқот; 4май ҳаракати; таржима; таъсир.

ABSTRACT

From 1913, Tagore's literary works were gradually introduced to China, until 1923, in a short period of ten ears, Tagore and his literary works have not only reached the point of being widely known, but also been admired by many Chinese scholars.

Key words: Tagore; poetry; cultural exchange; May 4th movement; translation; influence.

Рабиндранат Тагор 1913 йил адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритгач унинг довуғи бутун Шарқ бўйлаб ёйилди, бинобарин у бундай нуфузли мукофотни қўлга киритган биринчи осиелик шоир эди. Тагор ўзининг бетакрор шарқона қарашлари ва фалсафаси билан тезда адабиёт ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлди. Осиеда Тагорга қизиқиш дастлаб Японияда кенг тарқалди. Бу даврда яъни 20 асрнинг 1-чорагида Япония кенг қамровли ислохотлар натижаси ўлароқ, Ғарб билан яқиндан алоқаларни ўрнатган ва ҳар томонлама ривожланиш босқичига кўтарилган эди. Шу сабабдан у атрофидаги бошқа мамлакатлардан юксалиш нуқтаи назаридан анча олдиндан бўлиб, бу хитойлик талабалар ва зиёлиларни ўзига жалб қилган. Шу тариқа хитойликлар Р.Тагор асарлари билан илк марта Японияда танишишди. 1913-йилдан бошлаб унинг асарлари хитойда тарқала бошлади ва 1923 йилгача,

киска ўн йил ичида Тагор ва унинг асарлари нафақат кўпчиликка маълум бўлиш даражасига етди, балки кўплаб хитой олимларининг эътирофи ва эътиборига сазовор бўлди. Ниҳоят, 1924 йилда Р.Тагор хитой зиёлиларининг таклифига биноан Хитойга келди. У Хитойга ташрифлари давомида жами 20 та катта ва 10 та кичик доираларда маърузалар қилди¹, Хитойнинг энг машхур ёзувчи ва адиблари билан яқиндан алоқада бўлди.

Хитой замонавий адабиётига Тагорнинг шеърияти салмоқли таъсир кўрсатгани яққол сезилади. Тагордан қилинган таржималар ва унинг кенг тарқалиши хитой замонавий поэзиясида янги саҳифа очди ва унинг кейинги тараққиётида муҳим рол ўйнади деб айтиш мумкин. Хусусан буни икки жиҳатда кўриш мумкин: биринчиси, ғоявий таъсир бўлиб, Тагор шеъриятининг бадиий концепцияси хилма-хил ва мураккаблиги сабаб хитой адабиётшунослари дастлаб ундаги барча ғояларни тўлиқ қабул қилиша олмади. Шунинг учун “4 май” адабий ҳаракати таъсирида хитой адабиётшунослари Тагор шеъриятининг мазмун-моҳиятнин очиб беришга қаттиқ киришишди. Бу эса Тагорни тўлиқ англаш ва таъсир доирасининг янада кенгайишига олиб келган бўлиши керак. Хитой шеъриятига асосан шоирнинг “муҳаббат фалсафаси” ва “пантеизм” борасидаги хос қарашлари кучли таъсир кўрсатганлиги кузатилади. Иккинчиси, услубий ва шаклий таъсир бўлиб, Тагор шеъриятининг кенг кўламда таржима қилиниши ва хитой шеъриятининг анъанавий тенденциялардан воз кечишга бўлган ҳаракати ва шеърият соҳасида модернизацияга бўлган кучли эҳтиёж сабаб Тагор шеъриятининг ўзгача услуби ва шаклий хусусиятлари ўзлаштирила бошланди.

Ўткан асрнинг 20-йилларида Тагор ижоди шиддат билан тарқалишда давом этди. Тегишли ҳужжатларга кўра 1921 йилдан 1925 йилгача нашр этилган йирик газеталар ва даврий нашрларда жами 649 та чет эл адабиётига мансуб шеърлар эълон қилинган бўлиб, улардан 135 таси айнан Тагор ижодига тегишлидир, бу 20.8% ни ташкил қилади². Кўринадики, бу даврда унинг ижоди хитой адабиёт оламида жуда катта аҳамият касб этган. Бундай ҳолат Тагор шеъриятининг замонавий хитой шеърияти ривожига кўрсатган таъсир сабабларини аниқлашга ундайди. Хитой шеъриятининг тараққиёт йўли ва ўша даврдаги унинг ривожланиш тенденцияси нуқтаи назаридан уни қуйидаги учта сабаб сифатида умумлаштириш мумкин:

¹ 岳亚骏 (Arjun Giri): 泰戈尔思想及作品在中国现代的传播和影响. 辽宁师范大学, 2020, 第 73 页

² 岳亚骏 (Arjun Giri): 泰戈尔思想及作品在中国现代的传播和影响. 辽宁师范大学, 2020, 第 74 页

Ташқи омил — дунёда Тагорга қизиқишнинг юқорилиги. Дастан, 1913 йилда Тагор адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган биринчи шоир сифатида эътироф этилди. Ўзи шахсан инглиз тилига таржима қилган “Гитанджали” шеърлар тўплами уни бутун ғарб дунёсига машхур қилди, унга қизиқиш тобаро кучайиб борди ва 1914 йилда Япониягача етиб борди. Афтидан, хитойлик зиёлилар бундай буюк адибнинг ўзлари каби иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча қолоқ мустамлака давлатга айланган Ҳиндистондан чиқишини кутишмаган. Бу хитой зиёлиларини қаттиқ мулоҳаза қилишга ва Тагорни яқиндан, батафсил ўрганишга ундаган бўлиш эҳтимоли юқори. Шу тариқа Чэн Ди-сю, Лю Баннонг каби бир қатор адиблар Шарқнинг биринчи Нобель мукофоти лаурияти сифатида таништириш учун шоирнинг шеърӣ асарларини журналларда чоп этишни бошлади. Шу билан бир вақтда Тагор шеърӣ асарларининг таржималари миқдори кўпайиб, кенг тарқалиб борар экан, у ўзининг ўша даврда Хитой адабий ва мафкуравий соҳаларида Лянг Чичао, Суй Жэмо каби бир қатор тарафдорларига эга бўлди. Юқорида келтириб ўтилган омилларнинг барчаси Тагор асарларининг машхур бўлишига ва адабиётшунос олимларнинг эътиборини кенг жалб қилишга сабаб бўлди. Хитойда 20 аср бошларида авж олган шеърӣ ислохотлар ва айни шу пайтда Тагорнинг хитой адабиёти оламига кириб келиши ҳамда бошқа айрим омилларнинг таъсири натижасида ўткан асрнинг 20-йилларига келиб Тагорга қизиқиш фавқуллодда кучайди³. Бундай қизиқиш туфайли юзага келган хитой замонавий адабиёти ва ғоявий йўналиши борасидаги баҳс-мунозаралар Хитойда Тагор шеърӣятининг таъсир доирасини янада кенгайтиришига олиб келган, деб хулоса қилишга асос бўлади.

Хитой “4-май” ҳаракатининг мафкуравий эҳтиёжи. Жирмунский турли халқларга хос адабиётларнинг ўзаро таъсирлашуви ўша пайтдаги тарихий вазият билан ҳам боғлиқдир⁴, дея таъкидлаган эди. Яъни, барча адабий ғоялар ва уларнинг таъсир этувчи омилларини уларнинг ички қонуниятларига биноан таҳлил қилиш мумкин, уларнинг шаклланиш омиллари тасодифан рўй бермайди, ташқи таъсирлар ҳам ўз-ўзидан юзага келмайди. Бир адабиётнинг бошқа адабиётга таъсир қилишининг асосий сабаби айнан шундай таъсирга бўлган эҳтиёжга асосланади ва дастанки босқичда ўхшаш ижтимоий ва адабий ривожланиш прецедентлар мавжуд бўлади, уларни шунингдек “ўхшаш тенденциялар” деб ҳам аташ мумкин. Оддий қилиб айтганда, бирор бир

³ 刘红艳. 试论泰戈尔访华对中国思想文化界的影响. 丝绸之路, 2011(12):40-41 页

⁴ Жирмунский В.М. Сравнительное Литературоведение. «Наука», Ленинград, 1979, -490 с.

мамлакатда ижтимоий ва маданий ўзгаришлар ташқи таъсирлар билан бевосита алоқадор эмас, ўзгаришларнинг рўй бериши унга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Тагор шеърини хитой адабиётида айнан шундай эҳтиёж пайдо бўлган даврда — “4 май” адабий ҳаракати жадал давом этаётган пайтда Хитойга кириб келди.

“4 май” адабий ҳаракати ўша замонда Хитой жамияти феодализмга қарши чиқишининг энг юқори босқичга кўтарилган палласи эди. Икки синф ўртасидаги улкан мафкуравий тўқнашув ўта жиддий маданий-мафкуравий инқирозни юзага келтирди. 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида Хитой янги қарашлар ва ғоялар ёрдамида анъанавий тузумни ағдаришга қаратилган инқилобий ҳаракатларни амалга оширган бўлсада, бироқ феодализмга хос анъанавий маданият бутунлай барҳам топмаган, янги маданий тенденциялар тўлиқ шаклланиб улгурмаган, натижада жамиятда мафкуравий хаос давом этарди. Жанг Сие ““4-май” ҳаракатининг мафкуравий иккиёқламаллиги ҳақида” (《论“五四”思想的两歧性》) асарида қадриятлар нуқтаи назаридан ёндошиб ўша пайтдаги хитой ёшларини таҳлил қиларкан, унингча икки хил мафкуравий хаос контрастида кўпчилик адабиётчи ёшлар маданиятни умумлаштириш ва ривожлантириш йўналишида нотўғри йўлга кириб қолишган, деган хулосага келади. Ўзаро қарама-қаршилик ва чигалликда мафкуравий-маданий чегараларни аниқлай олмаслик аксар кишиларни руҳий-ҳиссий иккиланишига олиб келди, улар учун ягона таянч нуқтаси йўқ эди. Бундай ҳолатда “4-май” ҳаракати ёшларини янги эътиқод ёрдамидагина мавжуд вазиятдан қутқариб қолиш, адекват йўл топиш талаб этиларди. Бу эса адабиёт оламидаги инсон ҳаёти борасидаги тафаккур йўлида ўз ифодасини топади. Ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқсак, йирик ғоявий мактаблар “Адабиёт тадқиқот жамияти” ва “Ижодкорлар жамияти” гарчанд инсон ҳаёти ва санъат муаммоларига оид асарлар яратаётган бўлсада, уларнинг асосий мақсад ва қарашлари ҳаётий муаммолар таъсиридан чиқиб кета олмаган, яъни субъективизм юқорилигича қолаверди. Шоир Суй Жэмо юқоридаги фикрларга монанд равишда “Инсон ҳаётига қайғурган кишигина санъат ҳақида қайғура олади”, деган фикри билан ўша даврдаги кўплаб ёш адабиётчиларга нисбатан муносабатини ошкор қилган эди.

Тагор нафақат шоир, унинг асарларида кўплаб фалсафий ғоялар мавжудлигини ҳисобга олсак, у буюк мутафаккир ҳам бўлган. Унинг фалсафий тафаккури кўплаб асарларида акс этган бўлиб, улар асосан гуманизмни юксалтириш, ҳаёт ва табиатни севиш, аёл шахсини улуғлаш кабилардан

иборатдир. Буларнинг барчаси айнан “4 май” адабий ҳаракати шоирларининг ғоялари билан ҳамоҳанг эди. Ўша давр ёш адабиётчилари учун Тагор шеърляти ҳаёт ва олам ҳақиқатини бадий ва ғоявий жиҳатдан мукамал куйланган асарлар сифатида намоён бўлди. Буни Ванг Яннинг “Тагорнинг Хитойга ташрифи” мақоласидаги иқтибослардан ҳам сезиш мумкин: Тагорнинг барча шеърляри инсон ҳаётини том маънода ҳис қилиш ва унинг моҳиятини тушунтириб беришдан иборат... Тагор “муҳаббат туйғуси” билан инсониятга хизмат қилиш йўлида ўзини қурбон қилди⁵. Буларнинг барчаси Умуман айтганда Тагор шеърляти ўша даврда саросимага тушиб қолган ёшларни уйғотибгина қолмай, балки тушкунликка тушиб қолган кўплаб ёзувчилар учун маёқ вазиғасини ҳам бажарди, деб айтиш мумкин.

Тагор шеърляти хитой шеърлят дунёсининг эҳтиёжи сифатида. “4 май” адабий ҳаракати анъанавий маданиятга қарши курашишни ўзларининг асосий мақсади сифатида қабул қилган бўлсаларда, минг йилликлар давомида шаклланган анъанавий маданий тафаккур хитой адабиётининг барча жабҳаларида чуқур илдиз отган эди. Дастлабки уринишларда четдан кириб келаётган маданият анъанавий маданиятнинг қаттиқ қаршилиғига дуч келар ва амалда муваффақиятсизликка учрарди. Шу сабабдан илғор зиёлилар анъанавий маданиятдан қандай воз кечиш ва хитой шеърлятида янги адабий шаклларни кашф этиш имкониятларини яратш борасида бош қотишарди. Драматургия, роман, ҳикоя каби жанрлар фаол равишда ғарб ғоялари таъсирида шакллана бошлади, бироқ бу жараён шеърлятда жуда суст кетди. Шеърлят бевосита инсон руҳий кечинмалари билан боғлиқ бўлганлиги сабаб, ҳар томонлама кескин фарқланувчи мутлақ бегона ғарб шеърлятидан андоза олиш, унга мослашиш мураккаб кечган бўлиш эҳтимоли юқори. Бундай вазиятда хитой зиёлилари ўзларига бирмунча яқин ва ўхшаш томонлари мавжуд шарқ давлатига нигоҳ ташлашни исташгани юқоридаги фикримизни исботлайди.

Айнан Тагорнинг пайдо бўлиши ўша пайтда шеърлятга янгилашиш олиб кириш истагида изланаётган замонавий хитой шоирляри учун айна муддао бўлди. Хитой ва Ҳиндистон тарихи ва маданияти қадимий бўлиб, дунё тамаддунини яратган давлатлар. Ҳиндистонда пайдо бўлган буддавийлик Хитойда Чань сектасининг ривожланишига чуқур таъсир кўрсатди ва Хитой диний маданиятида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлди. Дастлаб юзага келган хитой янги шеърлятининг пайдо бўлиши ҳам айнан Чань маданияти билан бевосита боғлиқ. Тагор шарқ маданиятининг буюк вакили, ҳинд, шу боис унинг

⁵ 王燕. 泰戈尔访华：回顾与辨误. 南亚研究, 2011(1):123-136.

шеърияти ва унда илгари сурилган ғояларда кучли шарқона колорит мавжуд. Унинг “муҳаббат фалсафаси”, “табиат ва инсон бирлиги”, “Брахма ва мен бирлиги” каби фалсафий ва ғоявий қарашлари табиатни, инсонни улуғлашга қаратилган бўлиб, буларнинг барчаси хитой замонавий шоирлари ижодида Тагор шеъриятига нисбатан интиқлик ва илиқликнинг янада кучайишига олиб келди.

Энг муҳими шундаки, Тагор шеъриятида акс этган айрим замонавий хусусиятлар ўша давр хитой ёзувчиларининг ижод эҳтиёжларига мувофиқ келди. Тагор дунё даражасидаги адабиёт дарғаси бўлиб, унинг асарлари ҳинд анъанавий маданиятидан озиқлангани билан бир қаторда Ғарб илғор тафаккурини ҳам мужассамлаштира олган. Тагор шеърияти антифеодал ва мустамлакачиликка қарши инқилобий руҳга тўла. Шеърларида табиат ва аёл шахсини мадҳ этиши, шу билан бирга гуманизм руҳини чуқур акс эттириш Хитойда кечаётган маданий инқилоб ҳаракатининг ғояларига монанд келди. Тагор ўз ижодида эришган шеърий шакл ва ғоявий йўналишдаги инқилобий янгиликлари айни чоғда хитой замонавий шеърияти зўр бериб интилаётган нарса бўлиб чиқди. Тагор шеъриятга олиб кирган турли янгиликлар уни оддий халққа яқинлаштирди, бир жойда қотиб қолган анъанавий бадий санъат шаклларида барҳам берди, бир сўз билан айтганда шеъриятга янги қон қуйилди. Бу анъанавий шеърий шакллар чегарасидан чиқа олмаётган ёш адабиётчиларни илҳомлантирди. Шеъриятдаги янгиликлар ўз ўрнида таржима жараёнининг осонлашишига, таржималарнинг ўқувчи томонидан енгил ва табиий қабул қилиши учун ҳам замин яратди. Бу нафақат хитой замонавий шеъриятида янада ёрқин ифода шакллариининг пайдо бўлишига олиб келди, балки хитой замонавий поэтикасининг ривожланишини тезлаштирди ва унинг либераллашувига катта ёрдам берди.

Хулоса ўрнида айтганда юқорида санаб ўтилган уч омил хитой замонавий шеъриятида Тагор поэтикаси таъсирида анъанавий шеъриятга берҳам берилиш ҳамда хитой шеъриятда ҳам шаклий, ҳам ғоявий-фалсафий жиҳатдан янгиликларнинг юзага келиши учун асосий туртки бўлди. Суй Жэмо бу ҳақда фикр билдирар экан, Тагорнинг бир нечта энг машҳур шогирдларидан ташқари, ўнлаб, юзлаб ижод намуналарида Тагор руҳини туйиш мумкин, дея таъкидлайди⁶. Хориж адабиёти вакилининг хитой адабиёт дарғалари томонидан бундай юксак эътироф қилиниши Тагор поэтикаси ҳақиқатдан ҳам ўша давр замонавий хитой поэтикасига катта таъсир кўрсатганини англатади.

⁶ 徐志摩.泰戈尔来华,商务印书馆香港分馆,1983:167.

REFERENCES

1. 岳亚骏 (Arjun Giri): 泰戈尔思想及作品在中国现代的传播和影响. 辽宁师范大学, 2020, 148
2. 刘红艳. 试论泰戈尔访华对中国思想文化界的影响. 丝绸之路, 2011(12)
3. 王燕. 泰戈尔访华: 回顾与辨误. 南亚研究, 2011(1)
4. 徐志摩. 泰戈尔来华, 商务印书馆香港分馆, 1983:167
5. Xui An-ping, Xie J. An Analysis of the Contribution of Tagore to Chinese
6. Modern Literature. Tangdu Journal, 2009(1):9-10.
7. Жирмунский В.М. Сравнительное Литературоведение. «Наука», Ленинград, 1979, -490 с.